

SPECIAL ISSUE

VOLUME II | ISSUE 3 | MAY-JUNE

Journal of Culture and Art

**КУЛТУРА И ИСКУССТВО
МАДАНИЈАТ ВА САНЃАТ**

| 2024

ISSN: 2181-4562



Available online at www.imfaktor.com

 **IMFAKTOR**
Science driven pages

ISSN: 2181-4562
DOI Journal 10.56017/2181-4562

МАДАНИЯТ ВА САЊАТ ЖУРНАЛИ

II-ЖИЛД, 3 СОН

ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО

ТОМ-II, НОМЕР 3

JOURNAL OF CULTURE AND ART

VOLUME-II, ISSUE 3

ТОШКЕНТ – 2024

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО | JOURNAL OF CULTURE AND ART

№ 3 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4562-2024-3>

БОШ МУҲАРРИР:

Халикулова Гўзал
Эркиновна

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
профессори в.б., Санъатшунослик фанлари номзоди

МАСЪУЛ МУҲАРРИР:

Мелиқўзиев Иқбол
Мамасодиқович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
кафедра мудири, профессор в.б., Санъатшунослик
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

ТАҲРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ:

Касимов Нозим
Козимович
Ходжаметова Гулчира
Илишевна

Маданият ва туризм вазирлиги “Таълим ва илм-фанни
ривожлантириш бошқармаси” бошлиғи, профессор
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус
филиали “Санъатшунослик” факультети декани, Тарих
фанлари номзоди, профессор

Абдувоҳидов
Фахриддин
Мелигалиевич

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
кафедра мудири, доцент, Санъатшунослик фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD)

Кадиров Рамз
Турабович
Умаров Мамур
Боташикович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти “Саҳна
нутқи” кафедраси доценти

Худоев Ғани
Муҳаммадович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
“Санъатшунослик ва маданиятшунослик” кафедраси
профессори в.б., фалсафа фанлари номзоди
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
“Чолғу ижрочилиги ва мусиқа назарияси” кафедраси
профессори в.б., Санъатшунослик фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

Бердиханова Шахида
Нурлыбаевна

Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати
институти “Ўзбек мақоми тарихи ва назарияси”
кафедраси мудири, санъатшунослик фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

Дўсанов Раҳимжон
Раимқулович
Суннатиллаев Асатилло
Суннатович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, “катта
ўқитувчи”, мустақил тадқиқотчи

Алланбаев Рудакий
Оринбаевич
Зиявутдинова Зулфия
Усеиновна
Раимова Дилфузахон
Махаммадсолиевна
Ботирова Хилола
Турсунбаевна

Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати
институти “Илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-
педагогик кадрлар тайёрлаш” бўлими бошлиғи, мустақил
изланувчи (PhD)

Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист, “Шуҳрат”
медали соҳиби, профессор в.в.б

“Мусиқа санъати” ихтисослиги бўйича доцент

“Мусиқа санъати” ихтисослиги бўйича доцент

“Мусиқа санъати” ихтисослиги бўйича доцент

“Маданият ва санъат” журнали 2023 йил 24 февраль куни № 065356-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган. Мазкур журнал **6 та** халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун **UIF 2023 = 7.7 “импакт-фактор”** кўрсаткичига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар **хорижий мақолалар сифатида тан олинади.**

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдураҳмон Хасанов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: www.imfaktor.uz/com

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: tahririyat@imfaktor.uz

© “IMFAKTOR Pages” илмий нашриёти, 2024 йил.

© Мўаллифлар жамоаси, 2024 йил.

МАДАНИЯТ ВА САҢЪАТ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО | JOURNAL OF CULTURE AND ART

КУЛТАШЕВА Нигорахон Данияровна

*К.Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн
институтининг катта ўқитувчиси,
с.ф.ф.д. (PhD)*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11204814>

АНЪАНАВИЙ МУЗЕЙДА ЗАМОНАВИЙ САҢЪАТ

АННОТАЦИЯ

Бугунги кунда музейларнинг экспозиция фаолиятида янги намойиш турларини излаши, замонавий бадиий жараён билан узвий алоқадорликда бўлиши ва концептуал лойиҳаларни имкон қадар сақлаб қолиш масалаларини олдинга қўйиши долзарбдир. Шу сабабли, мақола анъанавий санъат музейлари маконида замонавий санъат кўргазмаларини намойиш этиш муаммоларига бағишланади.

Калит сўзлар: Ўзбекистон санъати, концептуал санъат, музейлаштириш, замонавий бадиий жараён, арт-объект, куратор, модернизм, постмодернизм, биеннали, репрезентация.

СОВРЕМЕННОЕ ИСКУССТВО В ТРАДИЦИОННОМ МУЗЕЕ

АННОТАЦИЯ

Сегодня важно, чтобы музеи искали новые типы выставок в своей экспозиционной деятельности, были неразрывно связаны с современным художественным процессом и максимально поднимали вопрос о сохранении концептуальных проектов. С этой точки зрения, в статье рассматриваются проблемы представления выставок современного искусства в пространстве традиционных музеев.

Ключевые слова: искусство Узбекистана, концептуальное искусство, музеификация, современный художественный процесс, арт-объект, куратор, модернизм, постмодернизм, биеннале, репрезентация.

CONTEMPORARY ART IN A TRADITIONAL MUSEUM

ANNOTATION

Today it is important that museums look for new types of exhibitions in their expositions, as well inextricably being linked with the modern art process and maximize the problem of preserving conceptual projects. From this point of view, the article is dedicated to the problems of presenting contemporary art exhibitions in the space of traditional art museums.

Keywords: art of Uzbekistan, conceptual art, museification, modern art process, art object, curator, modernism, postmodernism, biennale, representation.

XX аср сўнги ўн йиллигидан бошлаб анъанавий музейлар фаолияти ўзининг элитарлиги, ўзига хос маданий жараёндан узилиб қолганлиги сабабли танқидга учрай бошлади. Бадиий музейларнинг “санъат ибодатхонаси”, “муқаддас буюмлар архиви” сифатидаги аҳамияти ўзгарди. XX-XXI аср санъати нафақат ёрқин, радикал бадиий янгиликлари билан ажралиб туради, балки уларнинг музейдаги репрезентация усуллари ҳам фарқ қилади. Музей экспозициялари драматургиясида ҳал қилувчи роль арт-объектга нисбатан бадиий нигоҳнинг янгилиги, уни намойиш қилишнинг долзарблиги эгаллай бошлади.

Замонавий санъатнинг жадал ўсиши суратларида замон билан ҳамнафасликни сақлаб қолиш мақсадида музейнинг бадиий маконига нисбатан муносабат ўзгарди. Жаҳондаги йирик музейлар ОАВ, глобал тармоқ, кўнгилхушлик индустрияси билан рақобатга киришиб, анъанавий концепцияларини ўзгартиришга киришдилар. Музей макони билан боғлиқ тажрибалар АҚШ, Европа, Россия, Япония каби мамлакатларда дадиллик билан қўлланилди. Улар омма эътиборини жалб этиш мақсадида жиддий кўргазмаларни завқли томошага айлантиришга муваффақ бўлдилар. “Музейнинг бу каби сиёсати одатда artainment, яъни санъат (art) ва ўйин-кулги (entertainment) деб аталади” [1].

Ф.Маринетти ўтган аср бошида “Музей ва қабристон! Уларни бир биридан ажратиб бўлмайди – ҳеч кимга номаълум ва фарқлаб бўлмайдиган мурдаларнинг маънос тўдаси” – деб хитоб қилган эди [2].

Модернистлар бу изҳори билан ўтмишни қаттиқ ушлаб олган ва келажакка, ривожланишга йўл бермаётган фаолият турига нисбатан қарши чиққан эдилар. Бу эса музейнинг институтция тизими сифатида замонавий санъатга эътибор қаратишга мажбур қилди.

Европа ва АҚШда замонавий санъат музейлари 1930 йиллардан шакллана бошлади. Уларнинг асосий мақсади сўнги эллик йилдаги бадиий жараёнда акс этган ишларни сақлаб қолиш бўлди. Замонавий санъат шакллари учун баъзи ҳолларда янги музейлар ташкил этилса (Нью-Йорк, Хельсинки, Наосим, Москвадаги Замонавий санъат музейлари), аксарият ҳолларда анъанавий музейлар ўзининг меъморий кўриниши ва структурасини янги репрезентация усулларида мослаштириб, музейнинг экспозиция маконини янги функциялар билан бойитишга муваффақ бўлишди. Мисол учун, Третьяков галереяси, Эрмитаж, Рус музейларида янги оқимларни музейлаштириш жараёни қисқа тарихга эга бўлиб, 2000 йиллардан сўнг бошланди.

Концептуал санъат кўргазмалари қисқа муддатга мўлжаллангани сабабли бугунги кунда уларни музейлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Замонавий бадиий жараённинг бир бўлагига айланган концептуал санъат шакллари (коллаж, арт-объект, инсталляция, видео-арт, перформанс в б.) музейлаштириш, бунинг учун музей имкониятидан келиб чиққан ҳолда фонд ва экспозиция маконини тайёрлаш эндиликда ниҳоятда муҳимдир. Зеро, концептуал санъатнинг “ҳаёти” лойиҳанинг давомийлигига боғлиқдир, рассом учун эса унинг сақлаб қолиш масаласи иккиламчи аҳамиятга эга.

Ғарб олимлари томонидан “time based media art” ёки “вақтга асосланган санъат” номи остида бирлашувчи макон, вақт ва бадиий воситалардан иборат видео-арт, медиа-инсталляция, перформанс каби постмодернизм шакллари ёки концептуал санъатни сақлаб қолиш масалаларига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. XX асрда санъат-рассом-музей муносабатлари мунтазам ўзгариб борди ва бугунга келиб бадиий музейлар олдида замонавий санъатда алоҳида аҳамият касб этган объектларни саралаш ва музейлаштириш долзарб тус олмоқда. Музей ва унинг замонавий санъат билан ўзаро алоқаси, экспозиция шакллари ўзгариб бормоқда.

Европа ва АҚШ мамлакатлари махсус спецификага эга янги санъат турларини сақлаб қолиш масалаларига XX асрнинг сўнги ўн йиллигидан бошлаб эътибор қаратмоқда.

Замонавий бадиий амалиётда қўлланилаётган материалларни сақлаш, таъмирлаш ва концептуал ғоясига зарар етказмаган ҳолда намойиш этиш масалаларига бағишланган илмий-анжуман, семинар ва лойиҳалар мунтазам ташкил этилиб [3], мазкур масалалар алоҳида муаммо сифатида тадқиқ этилмоқда. Шу ўринда Т.П.Калугина “Художественный музей как феномен культуры” [4] китобида XX аср бадиий жараёнларини музей амалиёти билан ўзаро ҳамоҳанг ривожини кўриб чиққан бўлса, Л.Худякова [5] ўз изланишларини постмодерн даврида музей масалаларини тадқиқ этиш асосида Тейт Модерн каби замонавий санъат тўпламлари мавжуд музейларнинг амалиёт тажрибалари, эскпозициялар яратиш борасида масалаларга қаратди.

Замонавий арт-объектларни (коллаж, объект, инсталляция, видео-арт, перформанс) сақлаб қолиш мақсади авваломбор музейлаштириш масалаларини тизимлаштирилган ҳолда ўрганиб чиқиш заруратини пайдо қилади. Шу жараёнда анъанавий музейлар ёки махсус ташкиллаштирилган замонавий санъат музейлари олдида эфемер характерга эга перформенсларни фото ёки видео форматида ҳужжатлаштириш, жисмоний артефактларни сақлаш, репрезентация масалалари, эскпозиция усуллари каби бир қатор муаммолар юзага келади. Перформенсларни фото ва видео форматларида ҳужжатлаштириш, жисмоний артефактларни ёки ОАВ қайд этилган маълумотларни тўплаш орқали сақлаб қолиш имконияти мавжуд. Бу ҳолатда “артефактнинг экспонат, ҳаттоки санъат асарига айланиши жараёни содир бўлади ва бадиий жараён ҳақидаги “ҳикоя” шаклланади” [6].

Янги санъат кўринишлари уларни сақлашнинг технологик, концептуал ва амалий талабларини чуқур ўзгартириб юборди. “Янги замонавий санъат музейларининг маданий фемомени авваломбор мутлоқ ўзгача бадиий “конструкция” асосидаги санъат томонидан “таъкидланган” [6].

Одатда анъанавий реставрация воситалари ишнинг жисмоний ҳолатини тиклашга қаратилган бўлса, ўзига хос хусусиятга эга замонавий санъат мазкур вазифалардан ташқари асарнинг “концептуал қобиғини”, ғоясини сақлаб қолишга эътибор қаратишни талаб қилади. Концептуал асар авваломбор ғоядан иборатдир ва муаллиф юклаган томошабинга таъсир кучи, коммуникация занжирига зарар етказмаслик катта аҳамиятга эга. Мисол учун, совет мафкураси утопиясига бағишланган 1991 йилда Германияда илк маротаба намойиш этилган Илья ва Эмилия Кабаковларнинг “Қизил вагон” инсталляцияси. Бугунги кунда у Эрмитажнинг замонавий санъат эскпозициялари ўрин олган Санкт-Петербургнинг Бош штабида намойиш этилмоқда.

Арт-объект ёғоч зина, тўққиз метрли қути-“вагон” ҳамда қурилиш чиқиндилари билан тўла бузилган зинадан иборат йўлак каби конструктив қурилмадан ташкил топган. Муаллифларнинг ғоясига кўра мазкур элементлар совет тарихининг уч даврини мажозий ифодалашни лозим: зина – янги совет жамиятининг қурилиши, қути-“вагон” – вақт тўхтаб қолган ёпиқ “совет жаннати” ва бузилган йўлак – иттифоқнинг тарқаб кетиши. Зина совет мафкурасининг юқорига интилишини намоеън этиб, томшабин зинадан кўтарилиш жараёнида вагоннинг ёпиқ эшигига дуч келади. Пастга тушишда эса кириш эшигини топади. Қути-“вагон” ичида у оптимизмга тўла 1930-1940 йиллардаги В.Тарасов композицияларидан иборат мусиқа садоси остида совет жамиятига хос бўлган типик манзарага тушиб қолади. Чиқиндилар сочилган йўлак элементи эса қайта қуриш даври, иттифоқ инкирозини мажозий равишда талқин этади. Кабаковларнинг “Қизил вагон” инсталляцияси орқали томошабин (айниқса ёш авлод) унут бўлган социализм утопиясини рамзий мушоҳада этиш, кўриш, ҳис қилиш ва ҳаттоки эшитиш имкониятига эга бўлади.

Кўриниб турибдики, Эрмитаж ходимлари концептуалист инсталляцияга юклаган моҳиятни музей маконида тўлиқ очиб бериш ва ғоя таассуротини етказишда музей учун ноодатий бўлган намойишнинг янги усулини ишлаб чиқишган. Айна шу жараён анъанавий музейларда замонавий санъатни намойиш этишнинг репрезентатив феномени саналди.

Замонавий бадиий жараёнда кураторларнинг фаоллиги профессионал ва концептуал база сифатида аҳамиятлидир. Мамлакатнинг замонавий бадиий жараёни шаклланишида кураторларнинг таъсири тобора катта ўрин эгалламоқда. Музейдаги янги экспозициялар муваффақиятга эришиши учун кураторларни жалб этиш самарали натижалар беради. Буни жаҳон тажрибалари ҳам исботламоқда. Мисол учун, Хельсинкидаги KIASMA музейи, Бильбаодаги Гугенхайм, Жорж Помпиду марказларида замонавий санъат лойиҳаларини амалга оширишда кураторлар ўрни катта. XX аср санъати тарихини яратишда уларнинг фаолияти бемисл аҳамиятга эга.

Жаҳон санъатида замонавий кураторлик институти тарихи асосчиси сифатида Харальд Зеeman (1933-2005) номи келтирилади. У 28 ёшида Берндаги Кунстхалле музейига директор бўлди ва йилига 12-15 кўргазма ташкиллаштиришга эришди. Х.Зеeman тажрибасидан бадиий музейда замонавий рассомлар билан ишлаш малакасини ўрағниш мумкин. У концептуализмдан то хеппенинг ва ленд-артга қадар бўлган янги йўналишларни ўз лойиҳаларида бирлаштира олди. Унинг “Муносабатлар шаклга айланган он” (1969), “Хужжатлар” (1970), “Хеппенинг ва Флуксус” (1970), “Монте Верита” (1978), 1991 ва 2001 йилларда ташкил этилган Венеция биеннализиси тарихда қолди.

Х.Зеeman билан деряли бир вақтда АҚШда йирик кураторлик лойиҳаларни амалга оширган Уолтер Хоппс (1932-2005) майдонга чиқди. У ҳам 30 ёшида Пасадена Санъат музейи раҳбари лавозимига тайинланган эди. Айнан шу ерда у илк маротаба поп-арт экспозицияси, Марсель Дюшаннинг шахсий кўргазмаси, Джозеф Корнелла, Курт Швитеррс каби рассомларнинг ретроспектив кўргазмаларини ташкил этади. Жаҳон миқёсидаги лойиҳаларга эга яна бир куратор Жан-Юбер Мартен (1944 йилда туғилган) саналади. У Париж Замонавий санъат музейи куратори сифатида иш бошлаб, 1982 йилда Берн Кунстхаллеси, 1987 йилда Париждаги Помпиду маркази раҳбари бўлиб фаолият юритган. Унинг “Замин афсунгарлари” кураторлик лойиҳаси аҳамиятли бўлиб, унда иштирок этган 100 рассомнинг ярми океан орти ва Ғарбий Европа каби жаҳон бадиий марказлари ижодкорлари, бошқа ярми Африка, Лотин Америкаси, Осиё ва Австралия каби мамлакат вакиллари эди. Бу орқали Жан-Юбер Мартен ғарбга хос арт-тизимнинг ёпиқлигини босиб ўтиш ва замонавий санъатни чегараларини кенгайтиришни мақсад қилган эди. Бугунги кунда энг илғор куратор сифатида тан олинган аҳамиятли шахс Ханс Ульрих Обрист (1968 йилда туғилган) саналади. Унинг “Марафон”лари доирасидаги лойиҳалари фанлараро тадқиқотчилик ва халқаро характерга эга бўлиб, Обристининг сўзларига кўра бу ёндашув кураторлик худудини кенгайтириш концепциясига асосланган.

Ўзбекистон санъатини замонавий жаҳон бадиий жараёнидаги ютуқларни ўзлаштиришга қаратилган йирик ташаббуслар Акбар Хақимов (1949 йилда туғилган) ва Нигора Ахмедова (1954 йилда туғилган) санъатшунос-кураторлар томонидан амалга оширилди. 1996 йилда Н.Ахмедова томонидан ташкиллаштирилган “Art-Aziya” илк биеннализиси бу жараёни бошлаб берди. 2001 йилдан бошлаб Тошкентда замонавий санъат халқаро биеннализиси мунтазам ўтказила бошланди. 2001, 2003, 2005, 2009 йилларда ўтказилган биеннализилар Ўзбекистон санъатининг жаҳон замонавий санъатига қўшилиш жараёнларини акс эттирди.

Маҳаллий рассомларнинг ижодий тафаккурини концептуал санъатда синаб кўриш мақсадида илк тажриба сифатида ташландик завод худудида ташкил этилган санъатшунос Н.Ахмедованиннг “Konstellyatsiya” лойиҳаси Ўзбекистон рассомларининг постмодерн шаклларида ижод қилишга тайёр эканликларини исботлади. Сўнг, Н.Ахмедованиннг “Вақт белгилари”, “...мен ҳам Аркадияда бўл(ма)ганман” лойиҳаси, А.Хақимовнинг 2007-2012 йиллардаги жами еттита лойиҳаси (“Тетрагон – реалликнинг тўрт ўлчами”, 2007; “Пилланинг ўғирланиши”, 2007; “Ойжамол”, 2008; “Туркистон римейки”, 2009; “Аристотель сигири (Аристотель жумбоғи)”, 2010; “Гедонизм эстетикаси: таом, тана, рух”, 2011; “Генеалогия: хотира дарахти”, 2012) ягона санъатшуноснинг илмий-ижодий ғояси асосига қурилган лойиҳаларда арт-кураторнинг роли рассомга нисбатан бирламчи эканини кўрсатди.

Айтиш мумкинки, Ўзбекистон замонавий санъатини намойиш этишнинг асосий усули сифатида рассомларнинг шахсий ташаббуси эмас, балки лойиҳа ва кураторлик кўргазмалари етакчи аҳамият касб этди. Шунингдек, Н.Ахмедованинг лойиҳаларида намойиш усулининг анъанавийлигидан қочиш кузатилади. У махсус вақт ва маконга мўлжалланган репрезентациянинг янги тилини ўйлаб топади (кўхна тепалик, ташландиқ завод). Ғоя муаллифи-кураторнинг рассомлар билан ўзаро диалоги орқали бу кўргазмалар лойиҳага айланади.

Замонавий санъат лойиҳавий характерга эга бўлганлиги сабабли “музей, бадий галерея ва халқаро кўргазмалар алоҳида рассомлар ёки уларнинг ишларини эмас, балки ягона бадий лойиҳа ёки шу каби лойиҳаларнинг туркумини намойиш этади” [7].

Кураторлик фаолияти муаллифликнинг анъанавий шаклига ўзгача муносабатда бўлиб, бадий жараёни илҳомлантирувчи инициаторлик, ташкилотчилик ёндашувлари уйғунлашувини ўзида мужассамлаштиради.

Шу ўринда анъанавий музейларда концептуал санъат шакллари музейлаштиришда фондларнинг тайёр эмаслиги омилларини эътибордан чиқармаслик лозим. “Ақтуал санъат – бу жамиятнинг кўзгуси” [8] эканлигини инобатга олган ҳолда унинг ривожини ва сақланиб қолиниши учун Ўзбекистоннинг бадий музейлари муайян чора-тадбирлар ишлаб чиқиши лозим.

Эҳтимол, эфемер хусусиятга эга перформенсларни музейлаштириш имконияти йўқдир, бироқ инсталляция, фото ва видео арт, кинетик санъат шакллари сақлаш, экспозиция яратишнинг имконияти мавжуд. Музейларда анъанавий санъат турлари билан бирга арт-объект, инсталляция, видео каби концептуал санъат турларининг бир маконда намойиш этилиши томошабинга янги ҳис туйғуларини бахш этади. Концептуал санъат экспозициялар ҳис этишда устунлик визуал қабул қилишда бўлсада, томошабинда эшитиш, ушлаб кўриб ҳис этиш имконияти пайдо бўлади.

Шу сабабли, Ўзбекистондаги етакчи санъат музейларида замонавий санъат доирасида кўргазмалар ташкил этиш ва уларни сақлаб қолиш масалаларини ишлаб чиқиш, музей институтларида замонавий санъатни сақлаш, намойиш этиш усуллари ўрганиш, музейларда “Замонавий санъат” бўлими фаолиятини ишга тушуриш ниҳоятда муҳимдир. Бу жараёнда концептуал санъат шакллари билан ишлаш тажрибасига эга, бир қатор лойиҳалар муаллифларининг иш тажрибаларини ўрганиш, уларни куратор сифатида музейга жалб этиш ўринли.

ИҚТИБОСЛАР. СНОСКИ. REFERENCES

1. Курило Л.В. Новые концепции музеев: интеграция в современное общество / Культурно-просветительская деятельность. – С 139-144.
2. Маринетти Ф. Первый манифест футуризма. – URL: <http://libelli.ru/works/marineti.htm>
3. Ваттимо Дж. Музей и восприятие искусства в эпоху постмодерна// Художественный журнал. – 1999. №23. – URL: <http://www.guelman.ru/xz/362/xx23/x2305.htm>.
4. Калугина Т.П. Художественный музей как феномен культуры. – Санкт -Петербург, 2001.– 224 с.
5. Худякова Л.А. Музей в эпоху постмодерна: Потери или возможности? // Вопросы музеологии. – Санкт-Петербург, 2010. – № 2. – С. 12-21.
6. Кострищ Ф.А. Актуальное искусство в пространстве художественного музея. Проблемы репрезентации / Общественный и гуманитарный науки. С 149 – 152.
7. Глазкова С. А. PR-коммуникация в арт-бизнесе : учеб. пос. / СПб.: С.-Петерб. гос. ун-т, Ин-т «Высш. шк. журн. и мас. коммуникаций», 2016. — 164 с. С. 95.
8. Дианова В.М. Постмодернизм как феномен культуры // Введение в культурологию: Курс лекций. / Под ред. Ю.Н. Солонина, Е.Г. Соколова Санкт-Петербург: 2003. С.125-130.

ISSN: 2181-4562
DOI Journal 10.56017/2181-4562

МАДАНИЯТ ВА САЊАТ ЖУРНАЛИ

II-ЖИЛД, 3 СОН

ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО

ТОМ-II, НОМЕР 3

JOURNAL OF CULTURE AND ART

VOLUME-II, ISSUE 3

«Маданият ва санъат» электрон журнали 2023 йил 24 февраль куни № 065356-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: tahririyat@imfaktor.uz

Веб-сайт: www.imfaktor.uz